



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
8 декабрь
ШАНБА

№ 99
(12.006)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватан-дошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуғ сана — Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлиши мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгариб бораётган ислохот ва янгиланиш жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принциплари ва талаблари турганини қўриб, қузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолаб эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, ҳалқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриклари огишмай амалга ошириш натижасида эришган натижаларни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-этиборимиз тобора ортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтихон бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиладиган даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилган ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, ҳалқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада ино-

батга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий қонунимизда сайлов тўғрисидаги махсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва этиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустақам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига этибор тортаётган, аҳолиимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва атрофлича ўйланган бўлиб, ҳалқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илгор тажрибасига суянган ҳолда, халқимизнинг аниқ ва аниқ қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Хозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз — Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва ҳалқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида этибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шароитлар тугдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қоидалардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итоат қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир кўрсатишга йўл қўймайди алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Келгуси сайловга ҳалқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва хорижий қузатувчи-

ларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни қузатиш учун келатганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни қузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини қузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида ургу бериб тўхталмоқчиман. Хеч кимга сир эмас — бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, қузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин — бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустақамланмоқда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мутасарр қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда — очик, холис ва ҳаққоний асосда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг моҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилсиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўйбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрият ватандошлар! Барчамизга маълумки, дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизига турган машҳур беш таъмоилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 15 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро таш-

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

килотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясига асосланишни алоҳида таъкидлади. Инсонпарварлик руҳи билан

йўғрилган ислохотлар халқимиз турмушининг янада фаровонлашуви, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислон Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонларида мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳаётимизнинг бунёдкорлиги, унинг обрў, айни пайтда фидокорона меҳнати билан қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистонимиз янада обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш борасида бутун халқимиз қатори бугун ана шу муҳташам залда ҳам бўлган сиз, муҳтарам ватандошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз аввало Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган юртдошларимизни — "асримиз муъжизаси" деб ном олган "Тошгузар - Бойсун - Қўмқўрган" темир йўли қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган машинист Ҳамза Маҳмамов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг экскаваторчиси Сайдали Раҳмонов, Тошкент шаҳридаги улкан қурилишларда жонбозлик кўрсатаётган курувчи Тоир Дадахонов, фермерлик ҳаракатининг фаол вакили, уста пахтакор Халчахон Мирзаева, замонавий ҳаво кемаларини моҳирона бошқариб, ёшларга бу мураккаб ва масъулятли касб сирларини ўргатиб келатган Зархўжа Саидзимовни Ватанимизнинг олий мукофоти билан савиямизни муборакбод этамиз, деди Ўртобшомиз.

Юртимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг шухратини дунёга тараннум этишда ўз умрини иходий ва илмий фаолиятга бағишлаган зиёлиларимизнинг алоҳида ўрни бор. Бундай фидойий инсонларни маънавият ва моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти тасвир этилган барчангиз хабардорсиз.

Мамлакатимиз фан ва техника соҳаларини, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган 17 нафар ватандошимизга ана шу Давлат мукофотлари бугун биринчи бор топширилмоқда. Шулар қаторида бугун мана шу даврамизда ўтирган, давлатимизнинг фахрли унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланган барча юртдошларимизни яна бир бор савиямизни таъриқлайман. Айниқса, ҳаётга катта умид ва ишонч билан қаддам қўётган навқирон авлод вакиллари, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон майдонидан баланд кўтариб келатган спортчи ёшларимизни қизғин кўлаш менга катта хурсандчилик бағишлайди, — деди Ислон Каримов. — Сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шундан сўнг Ўртобшомиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Шу кунларда марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ана шу мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қаддонларим сифатида қўйибна бағримга босиб, чин қалбимдан табриқлайман, — деди Президентимиз. — Муқаддас ҳадисларда яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир, дейилган. Шу маънода, сизларнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидagi эзгу ва олийжаноб ишларингиз, фидокорона меҳнатингизнинг эътирофи бўлган, сизга ярашиб турган юксак нишон ва унвонлар барчангизга буюрсин, қилган меҳнатларингизнинг рохатини қўриш насиб этсин.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, На-

манган вилоти Тўрақўрган туманидаги "Ҳатича ая" фермер хўжалиги бошлиғи Халчахон Мирзаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Самарқанд вилоти Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик Махмуд Саломхидинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актери Учқун Тиллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат ходими, Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот сода заводи бош муҳандиси Абат Рамбергенов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шовилини тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Елена Борисова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдулла Тангриев, Фан ва техника соҳасидаги I даражали давлат мукофоти совриндори, Республика махсус кардиология маркази директори Равшанбек Қўрбонов, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Лола Зайнулдинова ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбеков ушбу мукофотлардан бундан бўён ҳам Ватан раванқли, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидлади. Юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига савиямиз миқдодорлик билдирди.

Ў.А.

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Тошкент вилоятидан сайланган аъзолари, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик қотибият ва гуруҳлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоат ташкилотлари раҳ-

барлари, жамоатчилик намоёндалари иштирок этишди. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси Салоҳиддин Саҳадиновнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги тўғрисидаги маърузаси тингланди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Президент Фармонларида бино-

ан, вилоятимиз намоёндаларининг катта гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланган эди. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов уларга орден ва медалларни топширди.

СУРАТЛАРДА:
тантанали йиғилишдан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Мустиқликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шунинг таъкидлаш кераки, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблаглар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгиланган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар таърибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу — аниқ ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самардорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган ва шу асосда қабул қилинган махсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттига устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва ҳолис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонқурлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атофалик маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий туш олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шахар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий ахуларлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси ҳусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қамровли, авваламбор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ йўналиш ва тармоқларни ўзига муҳассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислохотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу мақсадда "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ва "Боғлар ҳуқуқларининг қанолатлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Ҳомийлик тўғрисида"ги ва "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонунлар айнқаса эътибор сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимини, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шахар бўлиmlарини тубдан ислох қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча қарар-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйламанки, ҳаётимизда бу соҳани янада тақомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш бора-сида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, бокучисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тарика "Сен ёлғиз

эмассан" деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва "Меҳрибонлик" уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик қийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблаг сарфлангани бунинг тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблаг сарфланиб, республикамиздаги 28 та "Меҳрибонлик" уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди. 4 та оливайи болалар уйи эса "Дамас" микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйламанки, Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беҳитиёр барчамизнинг ҳаёлимизга келади. Яъни, улуг аждодимиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан ба-рорбардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир тўғрисида юзлаб қалби ўқсик болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, давлатимиз, халқимизнинг ишончи ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш аҳилин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, қўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 мингдан зиёд оилага бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошлаган ишларимизнинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Олмалик шаҳридаги "Саховат" уйи, Андижон шаҳридаги кўзи оқсиллар яшайдиган 2 та кўп қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилгани, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг донна эшитиш мосламаси, 5 минг донна ҳасса ва қўлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъанамизга кўра, бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қийим қийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур бўйича бажарилган муҳим тадбирлар қаторига кириди.

Ўтган ёз мавсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз, шунингдек, 8 мингдан зиёд "Меҳрибонлик" уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳ-

ларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида "Мурувват" уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида паралимпия мусобақалари ўтказилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмули ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвоғига сазовор бўлгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Азиз юртошлар! Мазкур дастурда ўз ифода-сини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда қўриқчи мамлакатлар ва халқор ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўртаҷирчқ туманидаги болалар шифохонасини капитал таъмирлаш, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, тўғма нуқсонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларига фаол қатнашган хорижлик дўстларимизга сизинг номингиздан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа — ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, "Мурувват" уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиладиган санаторияларнинг ходимлари учун 15 фоизли устам ҳақ жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблаг ажратилди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" дастурига мувофиқ ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, ўй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзғорини бутлашга қўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллион 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмолат кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қўмағида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмолат кредитлари, шунингдек, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йиғит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойиқ, албатта.

Муҳтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни қўлайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваламбор, яқинда қабул қилинган "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қўлайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга асосан фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган қишлоқларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шахар йўловчи транспортларидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблаг сарфланди.

Биргина "Тошкенттрансхизмат" уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташкил этилгани уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қилиниши таъкидлаш жоиз.

Азиз дўстлар, ўйламанки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шахар ҳаётидан қўллаб келтиришингиз мумкин.

Муҳтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобида жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблаг, 270 миллиард 400 миллион сўм микродарада грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблаг сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Маҳалла" ва "Нуроний", "Соғлом авлод учун" ва "Экосан", "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан" каби жамғармалар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари қўллаб қамраб бирашларимизга, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номиндан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирарман.

Хурматли юртошлар! Юқорида келтирилган далил ва мисоллар аввало давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблаг ва имкониятлар сафарбар этганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва хулосалар беҳитиёр ҳар қайси инсоннинг ҳаёлига келиши табиий:

Авваламбор, юксак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳроқибат, мурувват ва саховат каби туйғуларнинг ёрқин намоёни бўлмиш бундай ишларни амалга ошириш ҳаммамизнинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шунки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизиде айна бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган баргиреклиги ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустиқлик йиллари давомида юртошлар-

римиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий кўсалтириш йўлида қилаётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйламанки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган масалаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай беқиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни енгиб бўладими?

Муҳтарам юртошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйламанки, айна мундоқ бўлади:

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тизимида шу халққа хос ҳусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принциплари ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустиқлик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўз олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалада давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги — 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни тақдир этаман.

Азиз дўстлар! Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан қўламанган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида орқича гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолиимизнинг ақсарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга "Ёшлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айни муҳим, бугунги кун-

да долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни қўлайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нўқтаи назарини қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойларда бўлган жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз — фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хўнар коллежлари ва олий ўқув юртиларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда халқ кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши — олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йиғит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртиларини битириб қийаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қўмак ва кенг имкониятлар тўғрисида бериш масаласи — тан олишимиз керак — ҳали-бери эътиборимиздан четда қилиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобидан бу масалани ечимини топиш — ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўқир муаммоларимиздан энг муҳими — бу ёшларни замонавий касб-хўнарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада авваламбор қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса армия сафларидан мудаттали харбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топиши лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи дастурда муносиб ўрин эгаллаши лозим.

Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маънавий шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шугулланиши бўйича аниқ режалар белгиланиши даркор.

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқор олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равиш

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президентимиз бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда давом эттиришда мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини алоҳида ўрин тутишини, халқимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самардорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дунёда "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган

(Давоми. Боши 1-бетда).

тараққиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан бирини кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ташкил этади. Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар Ижтимоий ҳимоя йилида янги босқичга кўтарилди. Дав-

лат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий ҳаражати 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. Мамлакатимиздаги "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундай муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ таълим олиши, даволаниши, яшаши учун барча шароитлар яратилди. Бошқача айтганда, "Сен ёлғиз эмассан" деган давлат жамиятимиз ҳаётида чинакамга ўз ифодасини топомқда. Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг огирини ен-

гил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар – "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Бир сўз билан айтган-

да, юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. 1997 йилдан буён янги йилга муайян нолм бериш яхши анъанага айланган.

Шу анъанага биноан Президентимиз Ислам Каримов янги – 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилишни тақдир этди. Юртимизнинг бу тақдирини йиғилганлар гулдўрос қарсақлар билан маъқуллашди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ишчиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Ў.А.

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб Тошкент туманидаги қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежиди кўрик-танлов ўтказилди.

Тумандаги 4 та касб-ҳўнар коллежи ўқувчилари танлов низомига кўра, Конституцияга бағишлаб мустақил тайёрлаган иш ва расмларида Коммунизмнинг моҳияти, уни ўрганиш борасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ўқувчилар онига таъсири, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қафолатларининг Конституциядаги ифодасини содда ва тушунарли тарзда кўрсатиб беришлари зарур эди.

Ўқунинг шартларига кўра, 1-ўрин ижтимоий иқтисодиёт коллежи, 2-ўрин қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежи, 3-ўрин «Кенсой» қишлоқ ҳўжалик коллежи ҳамда 4-ўрин қурилиш, уй-жой коммунал ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи жамоаларига насиб этди.

Хуснора ТУРСУНОВА.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Конституция кўни муносабати билан Охангарон шаҳар ҳўқимлиги томонидан 530 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам сифатида озик-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Бу мақсадларга 6,3 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, уйда таълим олаётган ногирон болаларга бешта замонавий компьютер жамламаси топширилди. «Янгилик» маҳалласида эса элликдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун тўқтин дасурихон ёзилди. Ўқув кўсаба уюшмаси томонидан ногирон ва меҳнат қабилларида соғалар топширилди.

Саида РАХМОНОВА.

«Келажак овози»: ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлиқда ташкил этган «Келажак овози» республика ёшлар танловига якун ясалди.

2005 йил илк бор ўтказилган ушбу танловда уч мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, бу йил 32 минг нафардан зиёд ёш иштироклардан ариза тушди. Республика ёшлари эътиборини тобора кўпроқ жалб этаётган «Келажак овози» танлови ўзининг кенг кўлами билан бугунги кунда миллий лойиҳа мақомини олишга эришди.

27-30 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Келажак овози» республика танловининг сўнгги финал босқичи бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган ушбу босқичда барча икютлардан 547 нафар иштирок соҳиб эттита йўналиш бўйича ғолиблик учун курашди.

Танловнинг финал турлари ҳар бир йўналишга мос ҳолда пойтахтдаги турли олий ўқув юрлари ва муассасаларда ўтказилди. «Бадий ижод ва публицистика» йўналишида 24, «Тасвирий ва амалий санъат» – 23, «Ижтимоий лойиҳалар ва

бизнес-режалар» – 16, «Ахборот ва коммуникация технологиялари» – 15, шуниқдек, «Рационализиаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Архитектура ва дизайн», «Спорт» йўналишлари бўйича 14 нафардан жами 120 ғолибнинг номлари аниқланди ва уларга дипломлар топширилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Республика таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ «Келажак овози» танлови ғолиблари мамлакат олий ўқув юрларида имтиёзли тарзда қабул қилинади. Бундан ташқари ғолибларни кўплаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастур асосида улар учун ҳар йили ёзда ўқув оромгоҳлари ташкил этилади, ихтироларини патентлашда ёрдам кўрсатилади, ижод намуналари чоп этилади.

Шерзод МАҲМУДОВ.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент давлат юридик институтиди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган «Ҳуқуқ, экология, саломатлик» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман «Эко-сан» халқаро ташкилоти ва Тошкент давлат юридик институтиди ҳамкорлигида «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирининг 3-босқичи доирасида ташкил этилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, чет давлатларнинг Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпуслари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, Тошкент давлат юридик институтиди профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари ишти-

рок эдилар. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда экологик қонунчиликни ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчиликнинг ижро механизмини такомиллаштириш, экология ва инсон саломатлиги муҳофазасига оид халқаро конвенциялар талабларининг бажарилишида ҳуқуқ органлари, табиатни муҳофаза қилиш идоралари, тегишли ташкилотлар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишда қонунлар ижодиёти ва уларнинг амалиёти каби масалалар муҳокама қилинди.

ҚУВОНЧЛАР ҚЎША-ҚЎША

«Охангароншифер» акциядорлик жамиятида «Конституция – ҳуқуқ ва эркинлаштириш қасолати» мавзусида кеча ўтказилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази олимларининг чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Байрам муносабати билан йиллик бизнес-режа мундтаидан илгари бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшган ишчи-хизматчилар муқофотланди.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

«ОЛОВ ТИЛСИЗ ЁВ»

Олмалик шаҳрида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ушқоқлик билан ўтмоқда.

Шаҳар ёнғин хавфсизлиги ва факултетида вазирлар бўлими, «Олмаликшаҳаргаз» филиали, электр энергияси таъминоти ходимлари биргаликда ижтимоий, иқтисодий ва сервис коллежи, «ОТМК» ОАЖнинг 1-ихтисослаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ва «Аммафос» ОАЖ корхонаси қосидаги 8-ҳарбийлаштирилган қисмларда, шунингдек, маҳалларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Тураржойларда, меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида талабаларга, ишчи хизматчиларга ёнғини олдини олиш ва барғарф этиш, бу борадаги қоидалар ҳақида кенг маълумот берилмоқда.

Нигора АБДУРАХМОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

ЁШЛАРНИ ЧИНИҚТИРИШ МАКТАБИ

Эътироф этиш керакки, ўтган вақт мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг, тегишли вазирликлар ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг қатор кўрсатмалари асосида вилоят кенгаши ва унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Ташкилот моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларида Оққўрғон, Қибрай туманлари ҳамда Охангарон шаҳри ва тумани кенгашиларда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. 2006 йилда Янгийўл тумани кенгаши ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Амалдаги қонунчилик ва Низоми мувофиқ «Ватанпарвар» ташкилоти асосан тўртта йўналишда иш олиб борди. Энг муҳим йўналиш – Бу Ўзбекистон Қуролли Қўчалари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашдир.

2005-2006 ва 2006-2007 ўқув йилларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўчалари учун 9 йўналиш бўйича 1291 нафар ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашга эришилди. Бу масалада Келес, Ангрен ва Чирчиқ авто-

мобил мактабларида юқори кўрсаткичларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мақсур ўқув муассасаларида ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилиб, Низоми талаблари мактаблар фаолиятига киритилди. Бундан ташқари жисмоний ва умум-ҳарбий машғулотларда отиш қуроллари ва ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишга эришилди. Ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласи ташкилотнинг доимий эътиборида. Шу мақсадда Ангрен автомобил мактаби ҳудудида замонавий воситалар билан жиҳозланган техник таъмирлаш устанонаси ҳамда ўқув-лаборатория хоналари ташкил этилди. Чирчиқ шаҳридаги автомобил мактаби биноси, амалий машғулот хоналари капитал таъмирланди, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ав-

томатбаҳо қарашли Жалолддин Мангуберди номили ўқув-машғулот спорт мажмуасининг моддий-техник базаси ҳам такомиллаштирилиб, халқаро андозлар талаблари даражасига етказилди.

Асосий йўналишлардан яна бири халқ ҳўжалиги учун оммавий касбадаги мутахассислар тайёрлаб беришдир. Ҳозирги кунда вилоятда 19 та шахар, туман кенгаши ва 4 та автомобил мактаблари фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтган даврда халқ ҳўжалиги учун жами 13 минг 339 нафар малакали мутахассислар тайёрлашга эришилди.

Албатта, халқ ҳўжалигига ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашда мавжуд автотранспорт воситалари тегишли техник ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Ташкилот раҳбарлари ўқув-машғулот хоналари капитал таъмирланди, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ав-

тотган даврда айрим ташкилотлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги енгил автомобилларни сотиб олди. Айни пайтда эса вилоят кенгаши томонидан 2008 йилда яна бир нечта енгил автомобиллар харид қилиш режалари ишлаб чиқилган. Шу билан бира тракторчи-механизаторлар махсус курсини ташкил этиш бўйича ҳам тегишли тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.

Бозор иқтисодиёти ушбу тизимда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўн тартибига қўймоқда. Бугунги кунда 19 та ташкилотда 46 турда пулли хизмат кўрсатишчи субъектлар фаолият юритаётган. Келес ва Чирчиқ автомобил мактаблари, Бўстонлик, Куйичирчиқ ва Паркент туманлари ҳудудларида автомобил ва музтақчиларни таъмирлаш масаласига жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Масалан,

ўтган даврда айрим ташкилотлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги енгил автомобилларни сотиб олди. Айни пайтда эса вилоят кенгаши томонидан 2008 йилда яна бир нечта енгил автомобиллар харид қилиш режалари ишлаб чиқилган. Шу билан бира тракторчи-механизаторлар махсус курсини ташкил этиш бўйича ҳам тегишли тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.

Бозор иқтисодиёти ушбу тизимда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўн тартибига қўймоқда. Бугунги кунда 19 та ташкилотда 46 турда пулли хизмат кўрсатишчи субъектлар фаолият юритаётган. Келес ва Чирчиқ автомобил мактаблари, Бўстонлик, Куйичирчиқ ва Паркент туманлари ҳудудларида автомобил ва музтақчиларни таъмирлаш масаласига жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Масалан,

да, вилоятда ўтган давр мобайнида 192 та клублар, 75 та шахар ва туман биринчиликлари, 2006-2007 йилларда 17 та вилоят ва 21 та республика миқёсидаги мусобақалар уюштирилди.

Ўтказилган 77 та республика чемпионати ва биринчилиги мусобақаларида «Ватанпарвар»чилар кўплаб юқори ўринлари кўлга киритдилар. Шунинг учун 2006 йил якуни бўйича вилоят тарма жамоаси республикада 3-ўринни эгаллади. Бу йилги мақсад янада юқори поғонага кўтарилишидир.

Амалдаги қонунлар ва Низоми талаблари асосида вилоят кенгаши фаолиятини такомиллаштириш бориш мақсадида барча автомобил мактаблари, қатор шахар, туман кенгашилари компьютер техникалари ва бошқа замонавий воситалар билан таъминланди. Туман, шахар ташкилотларига ўз ишчининг устаси бўлган ҳалол, пок, имон-эътиқодли ва «Ватанпарвар» ташкилоти шайнига доғ туширмайдиган мутахассисларни танлаб олишга бўлган эътибор йил сайин қучайтирилмоқда.

Самад Йўлдош.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган,

"РЕСПУБЛИКА ЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ" ЁАЖ

нархлари ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади:

Савдога Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2007 йил 4 июлдаги 5-294/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани Хасанбой ш/х, Хасанбой 5-тор кўчаси "Қамол-Уматдош" МЧЖда сақланаётган, "ГАЗ-53" русумли, давлат рақами 11 АР 664 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилди.

Бошланғич баҳоси – 400 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 8 январь кўни соат 11:00 да РКМБ биносиди бўлиб ўтади.

Автотранспорт билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа те-

гишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мўлқ бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Шунингдек қуйидаги мулклар аукцион савдосидан олинганлигини ҳамда тўхтатилганлигини маълум қилади:

1. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 10 ноябрдаги 92-сонидида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларида чиқарилган, "Қамаз-5320" русумли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 О 0217 ва "Қамаз-

5320" русумли, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15 J 6800 бўлган автотранспорт воситаси савдодан олинди.

Савдодан олишга асос: Тошкент тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 4 декабрдаги с/и-6-сонли хати.

2. Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 17 ноябрдаги 94-сонидида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларида чиқарилган "Гидравлика" УТДга тегишли омборхона биносининг савдоси тўхтатилди.

Тўхтатишга асос: Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 3 декабрдаги 3156-сонли хати.

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгадир.

Банкрот корхона ОТАЖ

"А. Иброҳимов номили Тошкент чинни заводи"нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (тутатил жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳри 1-сонли Яқкасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М. Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ "Халқбанки"нинг Яқкасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, III Абдуллаев кўчаси, 2-а уй) очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилди.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар – 100207, Тошкент шаҳри, "Ғалабининг 40 йиллиги мавзеси", 2-даҳа, 29-уйда Тошкент шаҳри Давлат архиви томонидан берилди.

Заводнинг собиқ ходимлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ "Халқбанки"нинг Собир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 21 ноябрдаги йилгилиш қарорига асосан Ангрен шаҳар 1-сонли давлат нотариал идора катта нотариуси Сафия Раҳмановна Хусанова-га Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 21 январь кўни берилган TS 000070 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 3 ой мундатга тўхтатилади.

Частное иностранное предприятие "IRAN – KAKTUS" (ЧИП "IRAN – KAKTUS"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента № 002764-08, ул. Гавхар, 151 (ИНН 300330554) ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя № 2 от 4.12.2007 г.). Финансово-хозяйственная деятельность не осуществлялась с момента государственной регистрации.

Утерьяное свидетельство об образовании Д № 833130, выданное в 1984 г., школой № 125 Мирабадского района г. Ташкента на имя Гелевер Андрея Петровича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-30-уйларда жойлашган "UZRUSOIL" МЧЖ ҚҚга (ИНН 204550574, ОКНХ 11220), 2005 йил 26 декабрда берилган 3469 рақамли гувоҳнома, 2006 йил 31 октябрда Адлия вазирлиги томонидан берилган 08-1093-сонли ҳужжатларга киритилган ўзгаришлар қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги (2 варақда) хати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "YOG-MOY SAVDO" Мирабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 7 000 000 (семь миллион) сум на 3 080 000 (три миллиона восемьдесят тысяч) сум.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

МУХЛИСЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНМАДИ

Мамлакатимиз футбол ишқибозларига кўплаб ҳаяжонли дақиқаларни ҳаётига қўйган бўлиши билан бир вақтда ўн олтинчи миллий чемпионат мусобақалари низоҳисига етди.

Бутун мавсум давомида чиройли ўйин намойиш этган «Пахтакор» жамоаси кетма-кет олтинчи марта Ўзбекистон чемпионати ушунини қўлга киритди. Чемпионатнинг қумуш ва бронза медаллари «Қурувчи» ва «Машъал» жамоаларига насиб этди.

Шуниси ачинарлики, бу йилги мавсум вилоятимизнинг олий табақадagi ягона вақили бўлган «Металлург» учун омадсиз келди. Бекбодликлар «Вобкент» жамоаси билан бирга олий табақани тарқ этишга мажбур бўлдилар.



Чемпионатнинг якуний жадвали куйидагича тус олди:

Жамоалар	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1 «Пахтакор»	30	26	4	0	83-13	82
2 «Қурувчи»	30	22	5	3	62-16	71
3 «Машъал»	30	22	4	4	62-25	70
4 «Нефтчи»	30	19	4	7	53-28	61
5 «Самарқанд-Д»	30	14	8	8	48-36	50
6 «Насаф»	30	13	5	12	43-43	44
7 «Кизилқум»	30	12	3	15	42-64	39
8 «Навбахор»	30	11	4	15	37-41	37
9 «Бухоро»	30	11	3	16	29-43	36
10 «Андижон»	30	10	5	15	37-45	35
11 «Трактор»	30	11	1	18	45-58	34
12 «Тўпалсанг»	30	8	6	16	29-43	30
13 «Шўртан»	30	8	5	17	32-51	29
14 «Локомотив»	30	6	8	16	25-44	26
15 «Металлург»	30	6	5	19	32-62	23
16 «Вобкент»	30	3	6	21	23-70	15

Талъат ЮСУПОВ.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда юртимизнинг энг кучли боксчилари қаторида Козогистондан келган спортчилар ҳам рингга чиқди.

Ўрта вази тоифасида ўтказилган мусобақанинг финал беллашувлари орасида тошкентлик Зокир Ортиқов ва бухоролик Илхом Соатов ўртасидаги жанг кўпчиликл мухлису мутахассислар эътиборини тортди. 3. Ортиқов

рақибини муддатидан олдин мағлуб этишга муваффақ бўлди.

Мусобақада пойтахт шарафини ҳимоя қилган боксчилардан Жасур Матқонов, Олим Назаров, фарғоналик Рафиқжон Султонов, Дилшод

Махмудов, андижонлик Улугбек Холмуродов, Ахорбек Қўрбанов, Тошкент вилояти вакили Темура Маметов ҳамда қорақалпоғистонлик Шароф Айтбоев ҳам барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Козогистонлик чарм кўлоп усталидан эса Олмосбек Алибоев ва Руслан Мирсатоев биринчи ўринга лойиқ топилди.

Зокир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамгармаси ташаббуси билан "Осиё рамзи" ҳамда "Дом стил" модельерлар уюмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталиги якунланди.

Юртимизда миллий мода ва дизайн санъати тобора равангга эришди. Пойтахтимизда бир ҳафта давом этган ўзига хос мода ва дизайн байрами бунинг ёрқин далилидир. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамгармасининг энг йирик ижодий лойиҳаларидан бўлган маъруз тадбир либослар дизайни соҳасида ишлаётган истеъдодли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш имконини берди. Айни пайтда юртимизда бу соҳада эришилган ютуқлардан жамоатчиликнинг кенгрок ҳабардор этиши, Япония, Россия, Франция каби хорижий давлатларнинг модельер ва дизайнерлари билан ўзаро фикр ва таъриб алмашиш, маъруз йўналишида ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳафта мобайнида ўзига хос ўзаллик, жозиба ва нафосат байрамга айланган ушбу тадбир доирасида Миллий либослар фестивали, графика ва фото асарлар кўргазмаси, ёш дизайнерларнинг "Underground" модальерлар намойиши, концертлар, тасвирий санъат галереяларининг тақдими, мохир дизайнерлар, модельерлар, фотожурналистлар иштирокида маҳорат сабоқлари, семинар-машуғуллар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Айни пайтда ушбу ҳафталик Ўзбекистон Бадиий академияси Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноат институти, Республика рассомлик, миллий дизайн коллежлари, либос ва дизайн мактабларида тахсил олаётган ёш истеъдодларни кашф этиш имконини берди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

"ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЮРАГИ"

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги" деб номланган фотокўргазма очилди. Ушбу тадбир "Экономическое обозрение" журнали тахририяти ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Ривожланиш дастурининг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Унинг очилишида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхон ва "Экономическое обозрение" журнали ижрочи директори Н. Мухаммедов аънаанага айланган ушбу кўргазмадан жой олган суратлар хорижликларнинг Ўзбекистонга юксак ҳурмат-эҳтироми, маданиятимиз ва аънаналаримизга қизиқишининг ўзига хос ифодаси эканини таъкидладилар.

Суратларнинг муаллифлари, асосан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатлар, иш ўзасидан келиб-қетаётган одамлар ва сайёҳлардир. Кўргазмада она-Ватанимизнинг сўлим табиати, пушқор тоғларию қадимий обидалари қаторида кундалик юмушлар билан машғул одамлар, қувноқ болакайлар, нуро-

ний отахон ва онахонлар турмуши, миллий хунармандчилик буюмлари, тўқин-сочин бозорлар, кўпқари-улоқ ва тўйлардан олинган суратлар билан танишиш мумкин.

Кўргазма қўлама, иштирокчилар журғофияси йилдан-йил кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йилги кўргазмага 22 мамлакатдан 55 хаваскор ўзи олган 710 суратни тақдим этди. Танлов ҳайъати улардан энг яхши деб топилган 177 асарни саралаб олди.

"Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги" мавзuida ушбу кўргазмадан жой олган суратлар мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам намойиш этилади.

ЎЗА.

Ораимизда шундай кишилар борки, улар билан бир шаҳарда, ҳатто, бир маҳаллада яшаймиз-у, қимлигини, нима иш билан шуғулланишини яхши билмаймиз, ўз ташвишларимиз билан ўралашиб қоламиз.

Аслида, умр оқар дарё, ҳар бир инсон ганимат эканлигини ўйлаб кўрмаймиз. Бир йигинда кўпни кўрган табаррук отахон, шундай деган эдилар:

— Бу ҳаёт, тириклик барчамизга омонат, азизлар. Келинлар, бир-биримизни сўяб, яяб, ардоқлаб яшайлик, ғийбатни иғволарга изн бермайлик...

Ҳақиқатан ҳам, улуғларда хоксорлик, камтарлик ҳаммаша бўй кўрсатиб туради. Баъзи ховлиқмалар эса, бундай самимийлик, камтарлиқни иллатга йўядилар. Аммо, элнинг элагидан фақат самимий инсонларгина ўтар экан. Айтмоқчи бўлганимиз, кимки, эзгуликнинг этагидан тўтса, элнинг назаридан қолмас экан...

Бир кун тахририятга юзларидан нур ёғилиб турмуш, ёқимтойгина отахон кириб келди. Мулоим боқилари, ширинсуханлиги билан кишини ўзига жалб этувчи бу инсон кекса қончи, адабиёт, санъатга илоҳи балоид Зокоржон ака Собиров бўлиб, болалик йилларида машҳур ёзувчилар, санъатимиз даргалари даврасида уларнинг суҳбатлардан баҳра олиш насиб этган экан.

Ўзбекистон халқ артистлари Аббор Хидоятлов, Олим Хўжаев, Сорахоним Эшонтураева, Соиб Хўжаев, Наби Раҳимов, Миршодиқ Мирқошилов, Сабохон Каримова билан ҳамсуҳбат бўлганлари ҳақида ғурур билан сўзлайди Зокоржон ака.

— Ўшанда ўн ёшли бола эдим, — дейди у. — Ўйимиз театрининг рўпарасида бўлиб, тоғам Усмон Сатторов ўз даврининг машҳур актёрларидан эди. Менинг ҳам машҳур артист бўлишимни истаган тоғам театрга тез-тез олиб борадиган бўлдилар. Мен театр ҳовлисини супуриб, улуғларга чой ташиб юрар эканман, уларнинг суҳбатига бўлиш жону дилим эди...

Зокоржон кейинчалик тақдир тақозоси билан шах-

тёрлар юрти Донецкда ўқиб келди. У тоғаси орау қилганидек катта артист бўлмаса ҳам, она шаҳри Ангренда қон ишларининг устаси сифатида танилди. Шу билан бирга адабиёт ва санъат ошуфтаси, ҳолис мухлиси бўлиб қолаверди. У болалик йилларидаги хотираларини жамлаб, китоб чоп этди. Унинг қатор шеърларида Ватанга муҳаббат, истиклолга садоқат руҳи яққол сезилиб туради, мустақиллик неъматининг қадрига етиш лозимлигини уқтиради. Куйидаги хикоя-

Маънавият

дор нутқи борлигидан бе-хабар эканман, — дея қучоқлаб ўпиб қўйди. — Сени радиога олиб бораман, ҳозир айтган монологини радиода айтсанг, сенга гонорар тўлашади. Шу пулга оёғингга пойабзал оламиз.

Аслида, агар пули бўлганда ҳозирроқ пойабзал олиб беришга тайёр турган Сора опанинг бағрикенглиги, самимийлиги мени хайратга солган эди. Тоғамнинг ишга ҳам, уйга ҳам битта шим кийишини, биттагина кўйлагини борлигини ҳам кўрганман...

киши билан илиқ муносабатда бўлдилар. Эғнида ўша пайтларда урф бўлган гимнастерка, яшил рангли галифе шим, барваста қома-тига ярашган пальтоси, оёғида ялтираб турган этиги унинг нозиктаблтигидан, охида сўзлаши ўта маданиятли инсон эканлигидан дарак берарди.

— Трамвайлар тўхтаб қолибди, — деди у. — Уйга пиёда бордим, дадамлар мени кўча эшик олдида қўтиб ўтирган эканлар... Ота экан-да, «болам келмади» деб хавотирланибди. Отам-

Ўша машўм йилларда таъқибга учраган, қучоқ сифатида тугатилиши лозим бўлганлардан бири менинг отам эди. Мени бир тўқу-чиға шоғирдликка берди-лар. Ўн метр газлама тўқисам, бир метрга ҳақ тўла-шар эди. Бир кун ани шу арзимаган ҳақни ҳам бир кўзли домланинг фотиҳаси-ни олиб бериш баҳонасида бермайдиган бўлишди. Домла келадиган кунни хов-лиларга сўв сеип, супур-дик, дастурхонга туршак, майизлардан қўйиб, зогора ном ёпгилди. Нимагадир ме-нинг уст-бошимни ҳам эпа-кага келтириб қўйишди.

Нихоят, қўтилган меҳмон келди. Унинг бир кўзи чан-диб боғланган, кийимлари бир ахволда эди. Хўжайи-менга «чой олиб кел» дегандек ишора қилди. Сўнг ёвғон шўрва тортил-ди.

Домланинг қорни очли-ги, жуда хориғанлигини сез-дим. У менга тикилиб-тики-либ қўйар, қарасам бошини бошқа томонга ўгириб олар-эди. Шу аснода у кетишга чоғланди. Қўлини дуога очар экан, овози қалтираб кетди. Нимагадир юрагим гўпиллаб ура бошлади. Домланинг овози жуда та-ниш эди. Кетар пайти худ-ди бирор нараси қолган кишидек қайтиб кирди. Менга қараб, «Ўғлим, ило-ҳим бошинг тошдан бўл-син», — дея дуо қилди ва ортига қарамай, тез-тез юриб чиқиб кетди. Домла-нинг елкалари силкиниб-силкиниб борар эди. Кейин билсам, диндорлиги учун ўз юртида бегона, ўғлини бағ-рига бошишга ҳам ҳадди сифмаган, оч-наҳор, сарсон юрган отақошим мени шу йўсинда кўргани келган экан.

Мана шу воқеаларни эс-ласам, дориларом кўнлар-га етиб келганимга, Истик-лолнинг ҳавосидан нафас олиш насиб этганлигига шукр қиламан...

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт гўдақликдан бошланади. Ётуқликка эса балоид-паст сўқмоқлардан ўтиб бориш керак бўлади. Тилагим, одамларнинг қалбини эзгу-лик нури ёритсин. Бир-би-римизга аҳлиқилини соғи-ниб яшайлик, азизлар!

Сайёра РИХСИЕВА.



кишини ҳар томонлама тоблаб, маънавий-ахлоқий баркамол инсон даражасига кўтаради

ларида муаллиф ҳаётнинг оддий ҳақиқатларидан сўзлайди, инсонийлик ме-зонининг нақадар ҳақоний-лигидан қучур ҳаяжонга ту-шади.

ҚОВУРИЛГАН КАРТОШКА...

Бир кун «Отелло» спек-такли қўйилиши муносаба-ти билан бир ғурух машҳур кишилар бизниқанда тўпла-нишди. Отелло ролни қой-илмақом қилиб ўйнаган Олим Хўжаевни, Ягодай мураккаб ролни қиёмига етказиб иқро этган Наби Ра-ҳимовни, Дездемона — Сора Эшонтураевани олиқлаш-шиб, қизгин суҳбатлашиш-ди. Шунда тоғам ўргатган Ҳамлет монологини айти-ришди. Ҳамлет кечинмала-рини маромига етказиб иқро этганилигим ёқиб қол-ган Сора опа: «Бу болақай-ни доим театр ҳовлисини супуриб юрганида кўрар эдим. Унинг чиройли, оҳанг-

Шунақа... Ўша замонда актёрларнинг маоши ҳақин-қадар эди. Тўйларга бориб хизмат қилиш эса, айб ҳисобланарди. Ҳатто, ка-зоқазолар иштирок этган йи-гинда ҳам дастурхонда фа-қат нон, қанд ва чой бўлар, энг яхши овқат қовурилган картошка эди. Буларни ай-тишдан мақсад ҳозирги де-рилором кўнларнинг, му-стақиллик неъматларининг қадрига етиш керак де-моқ-чиман.

«ХАҒА ҚИЛИБ ҚЎЙМАДИМИ?»

Меҳмонларни қуза-тиб, дастурхонни йиғиштирдим. Энди ётишга чоғланган эдим, эшик секин тақилла-ди. Бориб очдим.

— Ўғлим, кечирасизлар, безовта қилдим. Халиги ўти-ришда нокўча сўзлаб, сиз-ларни ҳафа қилиб қўйма-димми? — деб сўрагани қайтдимда...

Шундан сўнг тоғам у

ни хоналарига қуза-тиб, сал уйқум очилди. Сизларга нокўча гапириб қўймадимми деб кечирим сўрашга кел-дим. Кейин шу ерда кали-шонни қолдирибман, — деб қоронғи дахлиздан калиш-ни қидира бошлади. Мен топиб бердим. У киши: «Ба-рақалла, раҳмат, ўғлим», — деди.

БИР КЎЗЛИ ДОМЛА


Юртимиз рўшноликка етишгунча, не кўнларни бошдан кечирмадик дей-сиз. Айниқса, қатагон йил-ларидаги фожиялар халқи-миз кўксига армон бўлиб қолди.

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

*Халқ қарғаса, дарахт ҳам қурийд.
*Ўз онангни яхши кўрсанг, бировнинг онансини қойма.
*Йутал билан ёмон хулқни яшириб бўлмас.
*Мивёлаган мушук сичқон тутолмас.
*Чўпоннинг маслаҳаттўйи — тағи.
*Ёмон дурадгор ўрмонга кирса дов-дарахтлар ҳам титраб эмиш.
*Аёл дардини (сирини) аёл билар.
*Итнинг бошини сила, аммо тағвинг ёнингдан бўлсин.
*Ёғоч ёрилгач, болта унутилади.
*Одамни ер боқди, отаси эмас.
*Мақлисда нодонга ўқшаб ўтиргунча, донога мизгаб ўтирган яхши.
*Соқовнинг тилини фақат онаси тушунади.
*Иштаха — икки тиш орасидадир.
*Аравани ер эмас, арпа тортади.
*Виджонингга қўл бўл, ироданга — ҳўжайин.
*Бир дарахтнинг остида минг қўй салқинлаши мумкин.
*Туяни гиламга ўраб бўлмас.

*Текин сирқа асалдан тотли.
*Чопар отга қамчи даркор эмас.
*Ҳар бир гйёҳ ўз илдизидан қувват олади.
*Қайси бармогининг кесиб олсанг ҳам қўлинг оғрийди.
*Шамолга қараб тупурсанг, бетингга тушади.
*Аминнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.
*Хўкиз тортган азобни омондан сўра.
*Оқар сув айнимас.
*Дўстинг учун буронга ҳам, дўлга ҳам чида.
*Қўнғил — дастурхон эмас, дуч келган одамга ёзвермайсан.
*Ботир одам тош устида нон етиштиради.
*Отдан тушиб, эшакка миниб оқил кишининг иши эмас.
*Яхши дўст оғадан афзал.
*Одам тошдан қаттиқ, бироқ гўлдан нозик.
*Шум хабарнинг қаноти саккиз.
*Тил — дил қалитидир.
*Дўстинг ҳам, душманинг ҳам тил.
Тўловчи ҚАРНОҚЛИ.

Рассом хангаси



Изоҳга ҳожат йўқ.

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

— У даврлар ўтиб кетди, Яго.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.• Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кўнлари чиқади.

Буюртма Г-1141.

Адади 3449.

Ҳажми — 2 табок, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ.

Белгилли материаллар — тикорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр қўрсатиши — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топшириши — 13.30. 1 2 3 4 6